

Инсон-азиз, хотира-муқаддас!



"9 май Хотира ва қадрлаш" куни муносабати билан жойларда турли тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Республика Маънавият ва маърифат маркази Термиз туман бўлинмаси ташаббуси билан тумандаги Н-сонли ҳарбий қисмда давра суҳбати ташкил этилди. Унда ёши улуғ фахрийлар ва ҳарбий хизматчилар иштирок этишди.

Давра суҳбатида сўз олганлар бугунги тинч ва осуда кунлар учун жон фидо қилган юрт ўғлонларини хотирлаш ва уларни ёдга олиш барчамизнинг бурчимиз эканлигини таъкидлашди.

Шунингдек, тадбир давомида ҳарбийлар билан махсус челленж доирасида шон-шараф ленталари тақиш акцияси ўтказилди.